

КОРПОРАТИВ ИЖТИМОЙ МАСЬУЛИЯТ ТАМОЙИЛИНИ ШАКЛЛАНИШИНинг НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Сарiev Эшқувват Абдусаломович

“Ўзбеккўмир” Акциядорлик жамияти

“Ангренкўмир” кони бўлум бошлиги

Аннотация: Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириши хукмат томонидан қўйилган долзарб масалалардан биридир. Саноат корхоналари самарадорлигини оширишининг муқобил шакллари мазкур қўйилган мақсадга эришишида катта ахамиятга эга. Мақолада саноат корхоналрига жорий этиши истиқболли деб эътироф этилаётган “Корпоратив ижтимоий масъулият” тамойилини шакланиши тадрижси таҳлил этиб берилган.

Калит сўзлар. Давлат, корхона, фаолият, самарадорлик, Саноат, “Корпоратив ижтимоий масъулият”, “Ўзбеккўмир”, Акциядорлик.

Abstract: Improving the efficiency of enterprises with a state share is one of the urgent tasks set by the government. Alternative forms of increasing the efficiency of industrial enterprises are of great importance in achieving this goal. The article analyzes the process of forming the principle of "Corporate Social Responsibility", which is recognized as promising for implementation at industrial enterprises.

Keywords. State, enterprise, activity, efficiency, industry, "corporate social responsibility", "Uzbekkomir", stock.

Давлат ва ҳўжалик бошқарув тузилмаларда корпоратив ижтимоий масъулиятни самарали амалга ошириш дунё бўйлаб оммалашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан хам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларни илмга ва замонавий бошқарув тамоийллари ва усулларига асосланган холда амалга ошириш лозимлиги таъкидланмоқда.

Корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга ошириш кўп томонлама манфаатларга хизмат қиласи. Хусусан, корпоратив ижтимоий масъулиятнинг амалга оширилиши ижтимоий жиҳатдан жамиятдаги баъзи муаммоларни ижобий ҳал қилишга ёрдам берса, экологик нуқтаи назардан атроф-муҳит билан боғлиқ масалаларга ечим топиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-37-сон Фармонининг 23-бандида мамлакатимизда давлат улуши мавжуд бўлган саноат корхоналарида хам корпоратив ижтимоий масъулияти тамоийларини жори этиш бўйича масалалар белгилаб берилган.

Жумладан, “Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида очиқлик даражасини кескин ошириш ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 1 июлдан бошлаб давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчилар корпоратив ижтимоий масъулият (CSR) ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳолати тўғрисида ҳар йили 1 июляга қадар ҳисботни жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти йўлга қўйилсин” деб қайд этилган.

Шу маънода “Ўзбеккўмир” Акциядорлик жамияти фаолиятига корпоратив ижтимоий масъулият тамойилларини жорий этиш долзарб масаладир.

Бир гурӯҳ олимлар таъкидлашича, “корпоратив ижтимоий масъулият компаниялар ўз фаолиятини жамият қадриятларига мувофиқ ривожлантириши, шунингдек, манфаатдор томонларнинг талабларини қондириши мажбуриятларини ўз зиммасига олишини билдиради. Корпоратив ижтимоий масъулият самарадорлигининг учта асосий йўналиши мавжуд бўлиб улар: экологик, ижтимоий ва иқтисодий йўналишлар ҳисобланади.

Инновациялар ҳам корпоратив ижтимоий масъулият ҳамда барқарорлик стандартлари ва мақсадларига мос келиши керак. Шунинг учун компаниялар томонидан инновацион стратегияларнинг ажралмас қисми сифатида корпоратив ижтимоий масъулиятга кўпроқ эътибор қаратилмоқда ҳамда инновация ва корпоратив ижтимоий масъулият муносабатларига қизиқиш тобора ортмоқда”.

Йи Луо, Жиан Ма, Аишаг Йе сингари олимлар ўзларининг аксарият тадқиқотларида корпоратив ижтимоий масъулиятни моҳиятган ёритишга ҳаракат килишган. Шунингдек, корпоратив ижтимоий масъулият стратегиясининг аҳамиятини ёритишган. “Корпоратив ижтимоий масъулият бу норматив ёки қонундаги талаблардан ташқари бажариладиган корпоратив экологик ва ижтимоий хатти-харакатлар йиғиндиси ҳисобланади. Корпоратив ижтимоий масъулият компанияларнинг акциядорлар, ходимлар, мижозлар, етказиб берувчилар, жамоалар, ҳукуматлар ва атроф-муҳит олдидаги масъулиятини қамраб олади. Шунингдек, бошқарув назариясида корпоратив ижтимоий масъулият директорлар кенгашлари томонидан ишлаб чиқиладиган корпоратив стратегияда муҳим ҳисобланади”⁶³.

Мамлакатимизда ҳам бир қатор олимлар корпоратив бошқарув, жумладан корпоратив ижтимоий масъулиятнинг моҳиятини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар билан машғуллар. Жумладан, Дилмурод Суюнов ва Элмурод Ҳошимовлар корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга оширишдаги муҳим тамойиллар ҳақида фикр билдиришган. Ҳусусан, “Ижтимоий масъулият ҳамда табиатни муҳофаза қилиш масалаларида корпоратив бошқарувнинг барқарорлик тамойили компаниянинг ролини англаб олишда қўл келади. Шунингдек,

⁶³ Yi Luo, Jian Ma, Yu Wang, Aishan Ye. Board internationalization and corporate social responsibility. // The North American Journal of Economics and Finance, Volume 63, November 2022.

STUDYING THE PROGRESS OF SCIENCE AND ITS SHORTCOMINGS

корпоратив бошқарувни баҳолаш методологияси акциядорлар хуқуқи, бошқарув ва назорат органлари фаолияти, ахборотларни ошкор қилиш, бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларига риоя этиш каби компонентлар билан бирга корпоратив ижтимоий масъулият компонентидан ҳам таркиб топган”⁶⁴.

Корпоратив бошқарувда корпоратив ижтимоий масъулиятнинг роли ҳамда уни амалга ошириш йўналишларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. “Корпоратив ижтимоий масъулият акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналиши сифатида кенг кўламли амалий ишларни тадбиқ этиш омили ҳисобланади. Корпоратив ижтимоий масъулиятли акциядорлик жамият сифатида шаклланиш учун ижтимоий, иқтисодий ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мезонларига тўлиқ жавоб бериш даркор. Корпоратив ижтимоий масъулиятни амалиётга тадбиқ этиш орқали кўпгина амалий ютуқларга, инсонлар ва инвесторлар ишончига эришиш мумкин”⁶⁵.

“Корпоратив ижтимоий масъулият корпоратив бошқарувнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу концепция барқарор ривожланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари тизимида акс этади ҳамда компания стратегик режалаштириш ва бошқаришнинг бир бўғини ҳисобланади, жамият билан доимий муносабатлар орқали амалга оширилади. Концепциянинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқаришга оид ва иқтисодий қарорлар уларнинг компания ва жамият учун ижтимоий ва экологик оқибатларини инобатга олинган ҳолда қабул қилинади. Бунда корпоратив ижтимоий масъулият компаниянинг стратегик ривожланиш, ишчанлик обрў-этиборини ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг бозор капиталлашувини оширишда кучли омил бўлиб хизмат қиласди”⁶⁶.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг корпоратив ижтимоий масъулият бўйича билдирган фикрларини инобатга олган ҳолда таъкидлашимиз лозимки, корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга оширишда давлат томонидан хуқуқий базанинг шакллантирилиши, корхоналарнинг корпоратив бошқарув органлари томонидан корпоратив ижтимоий масъулият стратегияси ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади

Шунинг учун ҳам “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятида ҳам мамлакатимизда корпоратив ижтимоий масъулият тамойилларини фирма ва компаниялар ҳамда давлат ташкилотлари фаолиятига кенг жорий этиш борасидаги сиёсатини қўллаб

⁶⁴ Д.Суюнов, Э.Хошимов. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. - 5-6 б.

⁶⁵ Э.А. Хошимов, М.М.Муратаев. Корпоратив ижтимоий масъулият акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналиши сифатида. // Корпоратив ва лойиҳа бошқаруви: жорий ҳолат, муаммолар ва замонавий механизmlари халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари. 18 май 2021 йил. - 22 б.

⁶⁶ З.А. Ашурев. Корпоратив ижтимоий масъулият концепцияси ва уни Ўзбекистонда жорий этиш муаммолари. // Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти халқаро илмий-амалий конференцияси маʼнуса тезислари тўплами, Ўзбекистон, Тошкент ш., 2020 йил 20 маʼнуса 408 б.

кувватлаган холда корпоратив ижтимоий масъулият тамойилларини жамият фаолиятига янада кенгроқ жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

REFERENCES:

1. Sohail Ahmad Javeed, Rashid Latief, Xiang Cai, Tze San Ong, Sun Qian, Ahsan Ul Haq. What is the role of the board sustainable committee for corporate social responsibility? The moderating effect of gender diversity and ownership concentration. // Journal of Cleaner Production, Volume 379, Part 2, 15 December 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0959652622042822>
2. Huma Sarwar, Junaid Aftab, Muhammad Ishtiaq Ishaq, Muhammad Atif. Achieving business competitiveness through corporate social responsibility and dynamic capabilities: An empirical evidence from emerging economy. // Journal of Cleaner Production, Volume 386, 1 February 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S095965262205394X>
3. Meili Tang, Yu Wang. Tax incentives and corporate social responsibility: The role of cash savings from accelerated depreciation policy. // Economic Modelling, Volume 116, November 2022.
4. Yi Luo, Jian Ma, Yu Wang, Aishan Ye. Board internationalization and corporate social responsibility. // The North American Journal of Economics and Finance, Volume 63, November 2022.
5. Д.Суюнов, Э.Хошимов. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил. - 5-6 б.
6. Э.А. Хошимов, М.М.Муратаев. Корпоратив ижтимоий масъулият акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналиши сифатида. // Корпоратив ва лойиҳа бошқаруви: жорий ҳолат, муаммолар ва замонавий механизмлари халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари. 18 май 2021 йил. - 22 б.